



2021 йил - Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили



Ma'rifatli xalq shijoatli bo'lur!

Абдулла АВЛОНИЙ

1 (1370)-SON. 2021-YIL 15-YANVAR

NARXI KELISHILGAN BAHODA.

NAMANGAN SHAHAR HOKIMLIGINING GAZETASI

web-site: www.namsado.uz • e-mail: namsado@umail.uz • 1994-yil 1-apreldan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги йигирманчи сессияси бўлди. Уни халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси Олимжон Исаев очди ва олиб борди. Сессияда тўртта масала муҳокама этилди.

МУРОЖААТНОМА - МАНЗИЛЛАР МАЁҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида шаҳар ҳокими Олимжон Исаев маъруза қилди. Маърузада ва депутатлар Солижон Муминов, Мухторжон Исоқов, Соҳиба Ғаффароваларнинг музокара сўзларида таъкидландики, - жорий йилда Мурожаатномада белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида иқтисодий ва барқарорлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилади. Шунингдек, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киририлган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиёт муассасалари моддий базасини мустахкамлаш, туризмни ривожлантириш юзасидан тизимли ишлар ташкил этилади.

КЕНГАШ КОТИБИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий,

ахборот-таҳлил жиҳатдан мустахкамлаш, депутатлик корпуси фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 20-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг доимий асосда фаолият юритувчи котибияти ташкил этилди.

Кенгаш қарори билан Убайдуллаев Носир Қодирович халқ депутатлари шаҳар Кенгаши котибияти мудирини этиб, Қамчибеков Фарход Олимжонович ҳамда Зокиров Элёрбек Сайфулло ўғли котибият бош мутахассислари этиб тайинландилар.

Депутатлар Гавҳархон Турғунова, Раҳматулло Муҳиддиновлар котибиятнинг ташкил этилгани Кенгаш фаолиятини янада такомиллаштиришга, ваколатини кенгайтиришга хизмат қилишини эътироф этдилар.

ЭЛ СОҒЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада 2021 йил "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили" деб эълон қилинди. Жорий йилда шаҳаримизда соғлиқни сақлаш тизимида қандай ишлар амалга оширилади?

Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўлим бошлиғи Малика Жакбарова ахборотида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига янги механизмларни жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишларга, барча маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари белгиланганлигига эътибор қаратилди. Эндиги вазифа аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олиш, шифохона ва поликлиникаларни замонавий тиббиёт аппаратлари билан таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш, маҳаллаларда, мактабларда спорт тўғрисида ишларни янада оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам муҳокама этилди. Кенгаш қарори билан шаҳардаги мавжуд маҳалла ва худудларнинг секторлар кесимидаги тақсими тасдиқланди.

Сессия ишида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Носирхон Абдуллахонов қатнашди ва сўзга чиқди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

2021 йил учун Наманган шаҳрининг маҳаллий бюджети тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 28, 30, 99-моддалари, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги "2021 йил учун Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети тўғрисида"ги 77/15-06-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги "2021 йил учун Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети тўғрисида"ги 77/15-06-сон қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Наманган шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилги даромадлари 244 782 504,0 минг сўм, харажатлари 373 162 965,0 минг сўм, шундан Давлатобод тумани харажатлари 77 697 625,0 минг сўм ҳамда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар 128 380 461,0 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

3. Худудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга Наманган вилоятининг вилоят бюджетидан ушбу Кенгаш қарорига мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2021 молия йили давомида фойдаланилади.

4. Наманган шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари куйидагича тасдиқлансин: 2021 йил учун Наманган шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ; 2021 йил учун Наманган шаҳар бюджетидан худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори 2-иловага мувофиқ; 2021 йил учун Наманган шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдори 128 380 461,0 минг сўм этиб 3-иловага мувофиқ.

Ушбу Кенгаш қароридида назарда тутилган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини 128 380 461,0 минг сўм шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

5. 2021 йил учун Наманган вилоятининг вилоят ва Наманган шаҳар бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, солиқ бўлмаган тўловлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан Наманган шаҳар маҳаллий бюджетининг ажратмалар нормативлари ўрнатилган тартибда Наманган шаҳри бўйича газначилик бўлини томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2021 йил учун Наманган шаҳар бюджетидида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 2 268 172,0 минг сўм этиб белгилансин.

7. Наманган шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш:

2021 йил учун Наманган шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажми 3 694 682,0 минг сўм, шундан Давлатобод тумани бюджети захира жамғармаси ҳажми 769 283,0 минг сўм миқдорида белгилансин;

Наманган шаҳар бюджетининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида белгилансин.

Наманган шаҳар бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетларaro трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди. Наманган шаҳар бюджетининг захира жамғармасига юқори турувчи бюджетдан ажратилган тақдирда ушбу Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритилмайди.

8. 2021 йил учун Наманган шаҳар маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари:

(Давоми 2-бетда).

ТАЙИНЛОВЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ МУДИРИ УБАЙДУЛЛАЕВ НОСИР ҚОДИРОВИЧ

содиёт институтининг иқтисодий факультетини тамомлаган.

Ҳозирга қадар Наманган шаҳар статистика бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келган. Шунингдек, у халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати, Кенгашнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий

ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси ҳисобланади.

Н.Убайдуллаев халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг 2021 йил 12 январдаги қарори билан халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши котибияти мудирини лавозимига тайинланди.



Н. Убайдуллаев 1980 йили Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 2007 йили Наманган муҳандислик иқти-

НАМАНГАН ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, КОММУНИКАЦИЯЛАР ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ РЎЗИБОВ БОТИРЖОН БАҲОДИРЖОНОВИЧ

Б. Рўзиев 1989 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 2012 йили Наманган муҳандислик-педагогика институтининг "Бино ва иншоотлар қурилиши" факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2007 йилда "Камо Эрк" хусусий фирмасида ишчи, қурилиш бўлими мутахассиси сифатида бошлаган.

У ҳозирга қадар "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компаниясининг Наманган вилояти филиали директори ўринбосари сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Наманган шаҳар ҳокими Олимжон Исаевнинг 2021 йил 8 январдаги қарори билан Ботиржон Баҳодиржонович Рўзиев шаҳар



ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг
Қ А Р О Р И

2021 йил учун Наманган шаҳрининг маҳаллий бюджети тўғрисида (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

а) солиқларнинг қуйидаги турлари Наманган шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;
қурилиш материаллари бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ;

юрдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
юрдик шахслардан олинадиган ер солиғи;
айланмадан олинадиган солиқ.

б) Наманган вилоят маҳаллий бюджети ҳамда Наманган шаҳар маҳаллий бюджети ўртасида қуйидаги тартибда тақсимланади:
айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва филдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);
автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;
жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари).

Наманган шаҳрида оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларга ҳамда борувчи коэффицентларни киритишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилсин. Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоят бюджетига ўтказилади.

9. 2021 йилда Наманган шаҳар маҳаллий бюджети харажатлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Наманган шаҳар ҳокимининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш Наманган шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан;

Наманган шаҳар ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар маҳаллий бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда. Чораклар якуни бўйича ушбу Кенгаш қарорининг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогност кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорда бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса Наманган шаҳар ҳокимлиги вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан қўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

10. Наманган вилояти, Наманган шаҳар ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга: ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштириш;

Наманган шаҳар маҳаллий бюджет қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар тегишинча Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

Наманган шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

11. Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

12. Наманган шаҳар ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қуриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатиши учун Кенгашга маълумот киритсин.

13. Мазкур қарор “Наманган садоси” газетасида расман эълон қилинсин ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

14. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

15. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва Наманган шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгаши раиси **О. ИСАЕВ.**



Qadriyatlar beshigisan, aziz mahallam!

МУНОСАБАТ

МАҲАЛЛА - ЖАМИЯТНИНГ ЁРУҒ ЮЗИ ВА ВИҶДОНИ КЎЗГУСИ

лантирилишидир. Давлатимиз раҳбари бунинг учун 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузишни таклиф этдилар. Жамғарма маблағлари маҳаллий Кенгашлар таклифларига асосан инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилади.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил - бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилиши, бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100

миллиард сўм ажратилиши, шунингдек, ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилиши давлатимизнинг жамият манфаатларига хизмат қиладиган ислохотларида самарали ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигининг яққол намунаси.

Хусусан, жамиятнинг қуйи ва асосий бўғини саналмиш маҳалла тизимида кўпгина янгилик ва ижобий ўзгаришлар кутилаётганлигидан келиб чиқиб ўз олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб олдик.

Гавҳархон ТУРҒУНОВА,
Халқ депутатлари
Наманган шаҳар Кенгаши
депутати.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси ва аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 21

декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига оид услубий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 48-сонли қарори тасдиқланди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида 2023

йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш учун вақтинчалик биноларни ажратиш бўйича қўлланма ҳамда бу ишларга жалб этиладиган ходимларга бериладиган махсус гувоҳнома ва уни қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

**Наманган шаҳар
статистика бўлими.**

15 ДЕКАБРДАН 15 ЯНВАРГАЧА
“ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ”

КУБОК - НОРИНЛИКЛАРДА



ларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш” маркази раҳбари Ҳикматилла Турсуновлар иштирок этишди.

* * *

“Ватанпарвар” ташкилоти кенгаши томонидан “26-сонли Меҳрибонлик уйи”да Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан пневматик куролдан ўқотиш спорт мусобақаси ўтказилди.

Йўқлов доирасида ташкилланган мусобақада масканда камол топаётган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 68 нафар тарбияланувчи иштирок этди. Шунингдек, картинг, мотоцикл каби техник-амалий

спорт техникалари кўргазмаси болажонларга намойиш қилинди.

Тарбияланувчилар томонидан кўргазмалар чиқишлар, шеър-хонлик, “Зукко билимдон” танлови ва мусиқий сахна чиқишлари ҳавола этилди.

Яқунда “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан тарбияланувчиларга ақлий ва интеллектуал қобилиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида шахмат-шашка ва йиғма ўйин тўпلامлари, шахсий гигиена воситалари топширилди.

Насимжон ЮНУСОВ.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ УЧУН

"Истикбол" ЭТК томонидан 28 мингдан ортиқ маиший истеъмолчига хизмат кўрсатилади.

Корхонада истеъмолчиларга электр энергияси етказишда меъёр талабларига риоя этилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 2661-сонли қарорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш мақсадида режа бўйича янги қурилиш ва реконструкция ишлари тўхтагани йўқ.

Шунингдек, қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида 2020 йилда 16 та турли қувватдаги янги трансформатор пунктлари ва 71 км.ли янги тармоқлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Натижада "Мустақилликнинг 5 йиллиги", "Ишонч", "Истикбол", "Мингчирор", "Янги замин", "Меҳнатобод", "Ешлик", "Келажак тонги" маҳаллаларидаги 800 дан зиёд хонадонлар сифатли электр энергияси билан таъминланди.

**А. ИСМОИЛОВ,
"Истикбол" ЭТК
бошлиғи.**

ТЕЛЕФОН ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Уйчи тумани, Оқтош маҳалласида яшовчи вояга етмаган Исмоилжон Абдуғофуров Наманган шаҳар 3-сонли ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, 2020 йил 30 декабрь куни соат 15:00 ларда Наманган шаҳрида жойлашган маданият ва истироҳат боғида юрган вақтида, Наманган шаҳар, Дамбоғ маҳалласида яшовчи И.Т. ва А.Қ. исмли шахслар ундан "SAMSUNG-A21" русумли телефон апаратыни ҳамда 50.000 сўм пулини очикдан-очик талон-тарож қилишганини баён қилиб, уларга нисбатан қонуний чора қўришликни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбланувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-модда 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

3-сонли ИИБ навбатчилик қисмининг берган хабарига асосан тезкор-тергов гуруҳи тўлиқ таркибда воқеа жойига чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Наманган шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Баркамол ХУРСАНОВ,
Низомжон МУРОДОВ,
Наманган шаҳар
ИИО ФМБ ҳузуридаги
тергов бўлими
терговчилари.**

Марҳабо Нуриддинова ҳаёт йўлини устозлар ўғити, улар берган таълим-тарбиянинг самараси тўғрисида эл орасида эътибор тоналган.

Уйчи туманидаги 22-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезлариданоқ билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги, ўз устида тинимсиз изланишлари билан ажралиб турарди.

Мактаб маъмурияти ундаги иқтидор ва салоҳиятини илғаб, алоҳида эътибор беришди. 1991 йили ишдан ажралмаган ҳолда Наманган Давлат университети география факультетининг талабаси бўлди. Мазкур олийгоҳни 1995 йили битиргач, Марҳабо Нуриддинова дастлабки фаолиятини 5-умумий ўрта таълим мактабида гуруҳ тарбиячилигидан бошлади. Ватанимиз сарҳадларини, унинг табиий бойлиқлари, қадимий осори атиқаларига бўлган муҳаббатни ёш авлод қалбига сингдиришда бор билим ва имкониятини, маҳоратини номоён этган ҳолда янгича ўқитиш технологияларини ҳаётга тадбиқ этди.

Қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсата бошлади. 1995 йилда туман миқёсида бўлиб ўтган иқтидорли болалар танловида бир қатор ўқувчилари қатнашдилар. Улар биринчи ўрин соҳиби бўлиб, вилоят босқичида Орол муаммоси бўйича "Оламни асранг" мавзусида 3-ўринни эгалладилар.

У "Она табиати севиш" номли ҳафталиклар ўтказиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Президентимизнинг "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий, Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак", дея таъкидлашлари соҳа вакилларига янада куч бағишлади.

"Ёшларни қўллаб - қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" да мактаб таълимининг сифатини тубдан оширишга доир мулоҳазалар жуда муҳимдир.

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон - мактаб остонасидан, таълим - тарбия тизимидан бошланади", деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз", деб таъкидлашлари ҳам кўнгилларга ёруғлик солади, мураббийга куч бағишлайди, олдга илгарилашга даъват қилади.

"Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини,

ИЛМ БЕРГАН БАХТ

"Табиат ва ишлаб чиқариш" бурчаги ташкил этди. Бинобарин, ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган атроф-муҳитни асраб-авайлаш, экологияни муҳофаза этишда инсон омили бош вазифа эканлигини ўқувчиларга обдон тушунтиришни мақсад қилди.

Қариб йигирма йилдан буён иқтисодий билим асослари фанидан дарс беради ва қатор ютуқларни қўлга киритди.

"Билимли мингги йиқар" деган нақлга амал қилган маҳоратли муаллиманинг ўқувчилари фан олимпиадаларида доимо муваффақият билан қатнашдилар. Жумладан, 2003 йилдан буён у тайёрлаган ўқувчилар туман ва вилоят олимпиадаларида узлуксиз равишда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бундай муваффақиятнинг асосий гарови ўқувчилар ҳам ўз устозлари каби тинимсиз изланадилар. Чунки улар "Изланганга толе ёр" нақлини шиор қилиб олишган.

Марҳабо Нуриддинова ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, иқтисод фани бўйича тавсия дастурлар, услубий ишланмалар яратди. Дарсларда фойдаланиш учун 500 дан зиёд тарқатма материаллар, 300 дан ортиқ оригинал кўргазмалар қўроллар, 20 дан ортиқ турли мавзуларда альбом ва буклетлар тайёрлади. Синфхонасини фанига мос равишда замон талаблари асосида

жиҳозлади. Бир неча бор "Очиқ дарс"лар ўтказиб, тумандаги шу соҳа ўқитувчилари муҳокамасига қўйди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда иш ташкил қилди.

"Илмнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик танлови вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллаб, республикада 3-ўрин соҳиби ва Халқ таълими Вазирлигининг махсус дипломи билан мукофотланди.

"Осиё тараққиёт банки" томонидан уюштирилган Германия давлатига ўқув-илмий сафарига бориб келган. У хориж сафарига олган билим ва тажрибалар асосида вилоят ва туман миқёсида семинарлар ташкил этди.

2011 йилда таълимда эришган юксак муваффақиятларини ҳисобга олиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили" ҳамда "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди. Марҳабо Нуриддинова яратган бир қатор қўлланма ва ишлаб чиққан тавсиялар ҳақида мактаб директори Музаффар Мўминов, устозлари Э.Исҳоқов, Д. Маҳкамova, ҳамкасблари О. Шодмонов, Л. Мамадалиева, М. Жўраевалар ҳам илиқ фикрлар айтишди.

Ҳаётдаги энг азиз инсонларидан бири, турмуш ўртоғи Одиложон



домла, институтни битириб иш бошлаган фарзандлари Акбаржон, катта архитектор бўлиш учун олий ўқув юртида таҳсил олиб тамомлаган Бекзоджон, ёлғиз қизи Ширмоной ҳақида сўраб билиб олди.

Ўз ўрнида у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 сентябрдаги фармонида биноан "Шуҳрат" медали ҳамда "Конституциямизнинг 25 йиллиги" кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Марҳабо Нуриддинованинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақиқатдан ибратга лойиқ. Биз заҳматкаш мураббийнинг келгуси ишларида улкан зафарлар, хонадонига тинчлик-омонлик тилаймиз.

**Жамолiddин МУСЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.**

МАКТАБ ОСТОНАСИДАН



ёшларимиздаги ғайрат - шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган

МУНОСАБАТ

марраимизга албатта етамиз", деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилда мамлакатимизда 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилиши соҳа учун катта эътибордир.

Таълим соҳасида ягона

"Электрон таълим" тизимини жорий этишга 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилиши ҳам қувонарли албатта.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида ўқув дастурлари, методик қўлланмаларнинг илғор халқаро мезонларга мослаштирилиши, болага ортиқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури" жорий этилиши устоз-мураббийларга янада масъулият юклайди.

Президентимиз ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри

йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилишини айтиб ўтди.

Педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга, «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида ўз малакасининг узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилиши ҳақидаги янгиликлар қимматлидир. Ўқитувчига ўз фанини билишдан ташқари, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигига қараб тоифа бериш мезонларни ҳам қайта кўриб чиқилади.

- Муаллимлар болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарсга ҳақида ўйламаслиги учун давлатимиз барча шароитларни яратиб бериши зарур, дейилади Президент Мурожаатномасида.

Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади. Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Юқоридагиларни ўқир эканман, кўнглим фахри-ифтихорга тўлди.

Айниқса, кейинги тўрт йил ичида мактабларга кирсангиз, жон-дили билан ишлаётган мураббийларни кўриб қувонасиз. Яқин йилларда ҳеч қайси илғор мамлакатлардан қолишмайдиган, даҳолар етишиб чиққан буюклар ватанида таълим-тарбия янада мукаммал бўлишига ишончингиз ортаверади.

Имконлар мамлакатига айланаётган юртимизда таълим юқори чўққиларга чиқишига умидлар учқунлаётганда, фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

**Дилбар ҲАЙДАРОВА,
халқ таълими аълочили.**

Энди маҳаллалар учун олий сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими жорий этилади

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар бермоқда.

Қарорга кўра, 2021 - 2022 ўқув йилидан бошлаб педагогика ва молия-иқтисод соҳаларидаги олий таълим муассасаларида "5520100 - Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)" бакалавриат таълим йўналиши бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими жорий этилади.

Сиртқи таълим шакли доирасида:

- ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилади;
- кадрлар тайёрлаш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурларини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Миллий университети таянч ОТМ ҳисобланади;

- Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан берилган тавсияномага эга бўлган ҳамда кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари талабалikka тавсия этилади;

- тавсиянома асосида ўқиётган талабалар ўқишини бошқа бакалавриат таълим йўналишига кўчиришига рухсат берилмайди.

Тавсияномалар, жумладан, қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- эгаллаб турган лавозимида сўнгги бир йил давомида фаолият юритаётганлиги;
- маҳалла тизимида камида уч йиллик иш стажига эга бўлганлиги;
- фаолият юритаётган фуқаролар йигини рейтинг кўрсаткичи бўйича "намунали" деб топилганлиги.

kun.uz дан олинди

Ватан сўзи бебаҳо тушунча. Бу сўзни эшитганда кимнингдир кўз ўнгига сўлим табиат жонланса, бошқа биров ўз ҳовлисини ёки давлат рамзларини тасаввур қилади. Яна кимдир чексиз сарҳадларни ҳаёлига келтиради. Балким, биз Ватан деганда ана шу сарҳадлар ҳимояси учун жонидан-да кечишга тайёр инсонларни ўйлашимиз керакдир. Сабаби, токи ораимизда ватанпарварлар сони кўпайиб борар экан, ҳаётимиз ҳамиша дахлсиз бўлади.

Шеърят мулкнинг султони хазрат Алишер Навоий

**Ватан таркин бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама,**

деган эдилар.

Ватан ҳақида муқаддас Ислом динимизда аввало у истиқомат маскани, яъни уй-жой маъносиди ишлатилади. Ислом дини таълимотида инсон ўзи яшаб турган Ватанини, динини, оила аҳлини ҳимоя қилиши энг улуғ амаллардан эканлиги таъкид-

ВАТАН БЕБАҲО МАСКАН



ланган. Ватан ҳимояси учун ҳарбийлар сафида туриш ҳам динимизда улкан савобли амал саналади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир кеча кундуз “рибот”, (яъни душман қаршисида туриш) бир ой тутилган нафл рўза ва ўқилган тунги намоздан яхшидир”, - деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Бугун осмони мусаффо, халқи тинч осойишта юртда мақсад муддаоларга эришиш учун

юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган Қуролли Кучлар ходимларига юксак эътибор қаратилди, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Жонажон Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек масъулиятли, шу билан бирга, савобли ишларни бажаришга посбонларимиз камарбаста. Уларда бунинг учун матонат, мардлик ва жасорат

каби фазилатлар етарли.

Шу билан бирга ҳар бир оилада ўғил фарзанд туғилганда ота-она билан бир қаторда юрт - Ватан ҳам суюниб, шоду хуррам бўлар экан. Чунки ўғил фарзанд нафақат ота-онаси, оиласини, балки бутун халқини, Ватанини ҳимоя қиладиган ўғлон ҳисобланади. Юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини сақлашда, мамлакатимиз ҳудудини ҳимоя қилишда ҳарбий хизматчиларнинг хизматлари бекиёсдир.

Уз ороми, тинчи, ҳузур-ҳаловати, роҳат-фароғати, керак бўлса жонидан кечиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қиляётган она юрт посбонларининг машаққатли хизматини алоҳида эътироф этмоқчимиз ҳамда уларга бундай шарафли ва масъулиятли меҳнатларига Яратгандан куч-қувват тилаймиз.

**Камолхон СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳридаги
“Имом Бухорий” жомеъ
масжиди имом хатиби.**

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

СИЗНИ ЭШИТАДИ

Барча соҳаларда бўлгани сингари Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (“Узэнергоинспекция”) тизимида ҳам коррупцияга қарши мурасисиз кураш эълон қилинган.

Бунда тизимдаги, жумладан, инспекция ва ҳудудий бўлимлардаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни, уларни содир этишга имкон яратувчи сабабларни ва шароитларни бартараф қилиш ва олдини олиш чоралари кўриш бўйича қатъий назорат ўрнатилган.

Шунга асосан, “Узэнергоинспекция” ходимлари томонидан содир этилаётган коррупциявий ҳолатлар ҳақида ўз мурожаатларингизни 69-227-79-84 орқали “Ишонч телефони”га ёки инспекция расмий веб-сайтидаги (uzenergoinspeksiya.uz) махсус платформа орқали юборишингиз мумкин. Юборилган хабарлар белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ҳамда мурожаат қилувчининг шахси сир сақланиши кафолатланади.

**“Узэнергоинспекция”
Наманган ҳудудий бўлими.**

МАТЕМАТИКА - МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТАДИ

Президентимизнинг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу фан мантикий изчил фикрлашга, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ўргатади. Математик тафаккур сиёсатчилар, иқтисодчилар, барча соҳа вакиллари вазиятни, оқибатлар вариантлари эҳтимолигини ҳаққоний баҳолашга ундайди. Жамиятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиёти, ҳатто келажақ тақдири математикага таянадиган янги технологияларга боғлиқ.

Ҳаётимизда бирор-бир жабҳа йўқки, математикага эҳтиёж сезилмаса. Муқобил энергиялар тизимидан - йирик саноат корхоналари тизимлари бошқарувига, қўлимиздаги оддий смартфондан “ақлли уй”, “ақлли шаҳар” борасидаги мўъжизакор лойиҳаларгача - кундан-кунга ривожланиб бораётган барча замонавий технологияларнинг негизиди, албатта, буюк бобомиз Ал-Хоразмийдан мерос алгоритмлар ва замонавий математик моделлаштириш ётибди. Шулар асосида рақамли технологиялар ривожлантирилмоқда, рақамли иқтисодиёт шакллантирилмоқда.

Мақтабни тамомлаган битирувчи шундай кўникма ва малакага эга бўлиши зарурки, компьютерда ўзига зарур бўлган дастурни ярата олсин. Масалан, келажақда “ақлли” машиналар, дўконлар, буюмлар, ускуналар туфайли ҳайдовчи деган касб 98 фоизгача, сотувчи эса 96 фоизгача қисқариб кетиши башорат қилинмоқда. Шу тарзда кўплаб анъанавий касблар йўқолиб ёхуд замонавийлашиб бораверади.

Демак, мамлакатимизда математика ўқитилишига қаратилаётган эътибор замирида келажақнинг талаби ётибди. Янги тараққиёт довларини забт этишни астойдил истасак, энг аввало, рақобатбардош, инновацион фикрлайдиган кадрларни етиштиришимиз шарт. Давлатимиз раҳбари 1 миллион дастурчини тайёрлаш вазифасини ҳам кун тартибига қўйди. Улар барча соҳаларда ишлаши, жараёнларни оптималлаштирадиган, қулайлаштирадиган, соддалаштирадиган, арзонлаштирадиган дастурларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишлари зарур.

Биз, математика фани ўқитувчилари ҳам бундан ўзимизга тегишли ҳулосаларни чиқариб, ёшларни бу фанга бўлган қизиқишларини оширишимиз, машғулотларни замонавий усулларда олиб боришимиз, бир сўз билан айтганда, мустақил фикрлайдиган, ватанига садоқатли авлодни камол топтиришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

**Мунаввар ЭГАМБЕРДИЕВА,
Наманган туманидаги 8 - мактабнинг
1-тоифали математика фани ўқитувчиси**

БИЛДИРИШ

Чашина Раица Васильевна номидаги Наманган шаҳар 5-А кичик туман, 38-уй, 44-хонадонга тегишли давлат кадастри йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сонли ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2019 йил 4 мартдаги 155-сонли қарорлари билан тасдиқланган Низомга асосан вилоят шаҳар ва туманларидаги давлат тасарруфида бўлган турар жойлардан фойдаланганлик учун қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона таъриф қиймати 2021 йил 1 февралдан қуйидагича белгиланганлиги билдирилади.

**Наманган вилоят ҳокимлигининг давлат уй-жой фондиди
бошқариш департаменти давлат корхонаси маъмурияти.**

**«Auto Realtor Sales» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибиди
ўтказиладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади**

Савдога “Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филиалининг буюртмасига асосан филиал балансидаги Наманган шаҳар Амир Темур кўчаси 54-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. “Дамас VAN GLA MXH” русумли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, д/бси 50 661 NAA бўлган, бошланғич баҳоси - 18 100 000 сўм.

Аукцион 2021 йил 15 февраль куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил 12 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2021 йил 15 февраль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда 2021 йил 22

Февралардан ижара тўловларидан бўлган қарзни 2021 йил 10 февралга қадар

тўлаб қўйишлари сўралади, акс холда тўловлар янги нархларда ҳисобланиши маълум қилинади.

сўм

№	Фойдаланиш мақсади ва жойлашган ўрни бўйича	1 ойга 1 кв.м., умумий майдон учун
1.	Наманган шаҳар	
	Турар жой	2230.00
	Ётоқхона	1824.14
2.	Шаҳар марказидан ташқари ҳудуд	
	Турар жой	1824.14
3.	Туман марказлари ва унга туташган ҳудуд	
	Турар жой	1824.14
	Ётоқхона	1417.31
4.	Туман марказидан ташқари ҳудуд	
	Турар жой	1417.31

ЭЪЛОН

февраль, 1, 8 март кунлари соат 10.00да такрорий савдолари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати 2021 йил 22 февралдаги такрорий савдо учун 2021 йил 19 февраль, 2021 йил 1 мартдаги такрорий савдо учун 2021 йил 26 февраль, 2021 йил 8 мартдаги такрорий савдо учун 2021 йил 5 март кунлари соат 18.00.

Савдо ёлиби деб топилган шахсга 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақолат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгор савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақолат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақолат пулини “Auto Realtor Sales” МЧЖнинг АТБ “Инфинбанк” Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000400801581001, МФО: 01113, ИНН: 304755061.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси 3-уй.
Телефон: (69) 227-95-66.
Гувоҳнома: №09563.**

МУАССИС:

**НАМАНГАН
ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**

МУҲАРРИР:

Комилжон ФАЙЗИЕВ

ИЖОДИЙ ГУРУҲ:

**Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ
Насимжон ЮНУСОВ
Орифжон ЖЎРАЕВ
Илҳомжон ЭГАМОВ**



МАНЗИЛИМИЗ:

**160136, Наманган шаҳри,
Бобур шоҳкўчаси, 10-уй. Вилоят
ихтисослашган болалар
стоматология поликлиникаси
биноси, 4-қават.
Муҳаррир: 227-96-29.
Масъул котиб
ва муҳбирлар: 227-90-71.**

Газета вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 30 декабрда қайта рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 08-0012. Ҳажми бир босма табоқ. Шақли А-3. Нашр индекси-5011. Газета вилоятнинг барча туманларига тарқатилади.

Газета «Заковат» нашриёт уйи МЧЖда таҳририятнинг оригинал макети асосида chop этилди.
А - 1261. Босмахона манзили: 160300. Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй. Буюртма - 5732 ISSN 2091 - 5454.
Босишга топшириш вақти: 17.00. Топширилди: 16.00.

Нашр учун масъул: Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ